

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

### Ҳ У К М

2023 йил октябрь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси К.Р.Муродов, халқ маслаҳатчилари Н.Хўжаназаров ва Д.Турсуновдан иборат таркибда, судья ёрдамчиси А.Алиқуловнинг котиблигида, тарафлардан Денов туман прокурори ёрдамчиси А.Хасанов, судланувчи ББН ва унинг ҳимоячиси адвокат Ў.Назарматов, судланувчи БСХ ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Рахмоновнинг иштирокида, ББН ва БСХларга оид 1-1905-2301/335-сонли жиноят ишини кўрди.

Судланувчи ББН, 1990 йил 29 июль куни Денов туманида туғилган, тожик, ўзбек тилини мукаммал билади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2012 йил 10 мартдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,271-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2014 йил 8 августдаги ажримига кўра ўталмай қолган 2 йил 7 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 74-моддасига асосан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2015 йил 13 февралдаги ажримига кўра ўталмай қолган жазо муддати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги “.....амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-банди, “а” кичик бандига асосан учдан бирига қисқартирилган, судланганлик ҳолати тугалланган, ишламайди, Денов тумани, “Сина 1” маҳалласида яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2023 йил 15 июль кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 20 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан айбланган.

Судланувчи БСХ, 1999 йил 3 январь куни Денов туманида туғилган, тожик, ўзбек тилини мукаммал билади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, судланмаган, ишламайди, Денов тумани, “Файзобод” маҳалласида яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 2023 йил 15 июль кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 20 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан айбланган.



Суд ҳайъати, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатмаларини, тарафларнинг музокара нутқларини ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзларини тинглаб, уларни жиноят иши бўйича тўпланган далиллар билан солиштириб таҳлил қилиб, қуйидагиларни

### **а н и қ л а д и:**

Судланувчи ББН, гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сотиш орқали бойлик орттириш мақсадида, ўзига аввалдан таниш бўлган БСХ билан жинойий тил бириктириб, 2023 йил 13 июль куни соат 16:00 да Денов шаҳар “З.Бобур” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи “Қизилсув” каналини кечиб ўтувчи кўприкдан ўтгандаги Гулистонга чиқиб кетувчи йўл устида ўтказилган тезкор-қидирув тадбири давомида киритилган “X” исмли шахсга ҳар бир граммини 1.200.000 сўмдан жами 4,93 грамм “Героин” гиёҳвандлик моддасини 6.000.000 сўмга сотган.

2023 йил 13 июль куни 16:00 да Денов шаҳар “З.М.Бобур” маҳалласи ҳудудида ўтказилган тезкор-тадбир давомида Ботуров Саидмўминдан 4,93 грамм “Героин” гиёҳвандлик моддаси ва Боймирзоев Бехрўзжондан 6.000.000 сўм пуллар тегишли тартибда расмийлаштириб олинган.

Сурхондарё вилояти ИИБ ЭКБнинг 2023 йил 14 июлдаги 170-сонли хулосасида, БСХдан олинган оч-сарғиш рангли, қуруқ, тошсимон моддалар таркибида фаол диацетилморфин гиёҳвандлик моддаси мавжуд бўлиб, “героин” дейилиши, соф вазни 4,93 грамм ташкил этиши кўрсатилган.

Судда сўралган судланувчи ББН, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил бошларида Денов шаҳрида яшовчи Шерзод билан танишгани, 2023 йил 13 июль куни соат 12:00 да бошқарувидаги “Нексия 2” русумли автомашинасига Денов шаҳридаги “Бешкапа” маҳалласи ҳудудидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасидан бензин олиб турганида С.Ботиров ва Шерзод Шерзодни “Ласетти” русумли автомашинасида келиб қолишгани, шу пайт уларни ёнига бориб автомашинасига ўтиргани, шунда Шерзод 10 грамм “героин” гиёҳвандлик моддаси сотиб олмоқчи эканлигини айтгани, унга ким сотиб олишини сўраганида Термизлик жияни сотиб олишини, пуллари нақд эканлигини айтгани, уни гапига ишониб, 5 грамм гиёҳвандлик моддаси борлигини айтгани, шунда Шерзод рози бўлиб граммини 700.000 сўмдан сотиб олишга келишишгани, Шерзодга жиянини олиб келишини жойини айтишини билдирганидан Шерзод кетгани, ўзи Саидмўмин билан бирга автомашинада бензин олиб кетгани, шу куни соат 15:00 да Саидмўмин билан автомашинасида Денов туманидаги “Хабиб” бозорни ёнида ўтирганида Шерзод қўнғироқ қилиб жияни билан қаерга боришини сўраганида унга “Хабиб” бозори орқа томонидаги Гулистон маҳалласига чиқиб кетадиган кўприкни ёнига келиб туришини, юкни олиб беришини айтгани, ўзи билан уйдан олиб чиққан 5 грамм “героин”ни Саидмўминга бериб, ўзи Шерзодга беришини айтиб, автомашинасида Гулистонга чиқиб кетишдаги кўприкни ёнига боришгани, рда Шерзод “Ласетти” русумли автомашинасида йўл четида тургани, шу йт автомашинасини йўл четида тўхтатиб, уни автомашинасига



Саидмўмин билан бирга ўтиб боргани, автомашинани олд ўриндиғига ўзи, орқа ўриндиққа эса Саидмўмин ўтиргани, шу пайт автомашинага ўтирганида Шерзод унга пулларни бергани, пулларни санаб кўришини айтиб, бир қисмини кўргани, Саидмўмин санаб кўргани, Саидмўминга “героин”ни Шерзодга беришини айтгани учун Саидмўмин юкни Шерзодга бергани, пулларни олиб бирдан пастга тушишганида фуқаролик кийимидаги ИИБ ходимлари келишиб уларни ушлашгани, тегишли тартибда расмийлаштирилгани, ушбу модда марҳум отаси Нусратуллодан қолиб кетгани, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда сўралган судланувчи БСХ, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил 13 июль куни соат 12:00 да таниши Шерзод уйига келиб чақириб, Бехрузни сўрагани, унга Бехрузни кўрмаганлигини айтгани, шунда Шерзод бирга уни топишни билдиргани, уйдан чиқиб Шерзодни автомашинасига ўтиргани, Шерзод билан келишиб иккаласи Денов шаҳар, “Бешкапа” маҳалласидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси ёнига боришгани, шу пайт Бехруз автомашинасидан тушиб келгани, Шерзод иккаласи автомашинадан тушиб гаплашиб олишгани, орадан озроқ вақт ўтиб иккаласи ёнига келгани, шунда Бехруз ўзини автомашинасида у билан бирга Шерзод эса ўзини автомашинасида бошқариб кетишгани, шу пайт улар бирга Шерзодни автомашинасини орқасидан “Хабиб” бозорни орқа томонига Шерзодни уйига боришиб ярим сота ўтиришгани, Шерзод чиқиб автомашинага ўтиргани, улар уни ортидан Бехрузни автомашинасида Гулистон маҳалласига чиқиб кетадиган кўприкка бориб тўхтатгани, Бехрўз унга Шерзодни автомашинасига бориб ўтириб пулларни санаб олишини, Шерзодга “героин” сотаётганлигини айтгани, сўнг Бехрўз Шерзони автомашинасини олд ўриндиғига, ўзи эса орқа ўриндиққа ўтиргани, шу Бехрўз ёнидан қора рангли пакетга солинган “героин”ни Шерзодга бергани, Шерзод эса қўлидаги тахланган пулларни Бехрўзга бергани, Бехрўз пулларни санаш учун ичида бир қисмини бергани, ушбу пулдан 30.000 сўм кам чиққани, шунда улар пулларни олиб автомашинадан тушаётганида автомашинани олд ўриндиғига ўтирган бир нотаниш йигит мени қўлидан ушлагани, шу пайт Бехрўз қочиб кетаётганида ИИБ ходимлари ушлашгани, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ Ҳ.Назаров, 2023 йил 13 июль куни Денов шаҳар, “З.Бобур” маҳалласида юрганида фуқаролик кийимидаги ИИБ ходимлари бир ишда холис сифатида иштирок этишини илтимос қилишганида рози бўлгани, сўнг ИИБ ходимлари ва яна бир холис билан Денов тумани ИИБ биносига киришгани, 2023 йил 13 июль куни Денов туманида яшовчи “Х” исмли шахс Вилоят ИИБ ТҚХ ЖҚБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, Денов туманида яшовчи Саидмўмин ва Бехрўз исмли шахслар туман ҳудудида “героин” гиёҳвандлик моддасини танишларига сотиб келаётганлигини маълум қилгани, ариза ҳамда Вилоят ИИБ ТҚХ ЖҚБда мавжуд тезкор маълумотларга ва Денов тумани прокурорининг назорат остида олиш тўғрисидаги санкциясига асосан Денов туманида яшовчи Саидмўмин ва Бехрўз исмли шахсларга нисбатан тезкор тадбир ўтказиш учун 2023 йил 13 июль куни “Х” исмли шахсга холислар иштирокида



Саидмўмин ва Беҳрўз исмли шахслардан “героин” гиёҳвандлик моддасини сотиб олиш учун ИИБ махсус фондидан 6.000.000 сўм пуллардан 6 дона 50.000 сўмлик купюрадаги BV0216545, CP0575557, AG6573953, AU0507435, AX0589682, BV1497617 серия рақамли пуллар хатланиб берилгани, сўнг Саидмўмин ва Беҳрўз исмли шахсларга нисбатан тезкор тадбир ўтказишга киришилгани, сўнг Денов шаҳар, “ЗБобур” маҳалласи Қизилсув дарёси ёнида мижоз турган вақтида Ботуров Саидмўмин ва Боймиров Беҳрўзжон 75 D 470 FA рақамли “Нексия-2” русумли автомашинасида келиб, тадбирга берилган 6.000.000 сўм пуллардан 6 дона 50.000 сўмлик купюрадаги BV0216545, CP0575557, AG6573953, AU0507435, X0589682, BV1497617 серия рақамли пулларга БСХ ва ББНлар қора рангли полиэтилен целлофан пакетга ўралган кейинчалик билишича “героин” номли гиёҳвандлик моддани сотаётганида тадбир иштирокчилари томонидан ушлангани, сўнг тадбир ўтказилган жой аҳоли гавжум ва жамоат жойи бўлгани учун Денов тумани ИИБ биносига олиб келиниб, БСХни ёнлари кўздан кечирилганда қора рангли полиэтилен целлофан пакетга ўралган оқ рангли “героин” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда борлиги аниқланиб, электрон тарозига тортиб кўрилганда 5,53 граммни ташкил қилгани, ББНнинг ёнлари холислар иштирокида кўздан кечирилганда тадбир учун берилган жами ИИБ махсус фондидан 6.000.000 сўм пуллардан 6 дона 50.000 сўмлик купюрадаги BV0216545, CP0575557, AG6573953, AU0507435, AX0589682, BV1497617 серия рақамли пуллар борлиги аниқлангани, бу ҳақда тегишли тартибда расмийлаштирилгани ҳақида кўрсатув берди.

Суд ҳайъати, судланувчи ББН ва БСХларнинг жиноят содир этганликдаги айблари, суд мажлисида дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ш.Холматовнинг кўрсатуви, ўтказилган оператив тадбир учун ишлатиладиган пулларни хатлаш ҳамда овоз ёзиб олиш мосламасини бериш, воқеа жойини кўздан кечириш, далилий ашёни олиш баённомалари, фотосуратлар, суд криминалистика экспертиза хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ББНнинг жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан тўғри, БСХнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси 273-моддасининг 5-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-моддасининг 2-қисмида, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи БСХ, ББН билан 2023 йил 13 июль куни соат 16:00 да Денов шаҳар “З.Бобур” маҳалласи худудидан ўтувчи “Қизилсув” каналини кечиб ўтувчи кўприқдан ўтгандаги Гулистонга чиқиб кетувчи йўл устида ўтказилган тезкор-қидирув тадбири давомида ритилган “X” исмли шахсга ҳар бир грамми 1.200.000 сўмдан жами 4,93 мм “Героин” гиёҳвандлик моддасини 6.000.000 сўмга сотаётган пайтда



ишланган. Ушбу тезкор-тадбир давомида Ботуров Саидмўминдан 4,93 грамм “Героин” гиёҳвандлик моддаси ва Боймирзоев Бехрўзжондан 6.000.000 сўм пуллар тегишли тартибда расмийлаштириб олинган.

Бундан ташқари “героин” гиёҳвандлик моддаси БСХдан процессуал тартибда расмийлаштириб олинган.

Юқоридаги Кодекс талабидан келиб чиқиб, БСХнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисмидан 25,273-моддасининг 5-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд ҳайъати, судланувчи ББНнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғараз ёки бошқа паст ниятда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблашни лозим топди.

Суд ҳайъати, судланувчи БСХнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғараз ёки бошқа паст ниятда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи ББНга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, юқоридаги Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя қилган ҳолда уни айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилали бўлиб, қарамоғида 4 нафар фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.



Суд ҳайъати, судланувчи ББНга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан, жазони ўташ жойларида наркомания (героин) касаллигига қарши мажбурий тиббий даволантиришни белгилашни лозим топди.

Суд ҳайъати, судланувчи БСХга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, юқоридаги Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя қилган ҳолда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, оилавий шароити оғирлиги жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган моддасида назарда тутилган жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд ҳайъати, судланувчи БСХга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан, жазони ўташ жойларида наркомания опий (қора дори, кўкнор шираси, трамадол) касаллигига қарши мажбурий тиббий даволантиришни белгилашни лозим топди.

Суд ҳайъати, иш бўйича ашёвий далил тариқасида хужжатлаштириб олинган ҳамда ҳозирги кунда ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасига 00308-сонли қвитанция билан сақланаётган 4,91 грамм “героин” гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосланиб, суд ҳайъати,-

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи ББН Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи ББНга Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 7 (етти) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 15 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи ББНга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи ББН Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан, жазони ўташ жойларида Наркомания “героин” касаллигига қарши мажбурий тиббий даволантирилсин.

Судланувчи БСХ Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи БСХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 15 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.



Судланувчи БСХга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи БСХ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан, жазони ўташ жойларида наркомания опий (қора дори, кўкнор шираси, трамадол) касаллигига қарши мажбурий тиббий даволантирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган ҳамда ҳозирги кунда ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасига 00308-сонли квитанция билан сақланаётган 4,91 “героин” гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 20 (йигирма) сутка, судланувчилар ҳукм нусхаси олган кундан бошлаб, шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Денов туман суди орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъати апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи:** (имзо)

**Халқ маслаҳатчилари:** (имзо)

(имзо)

**К.Р.Муродов**

**Н.Хўжаназаров**

**Д.Турсунов**

**Ҳукм аслига тўғри**



Ҳужжат имзоланган: Муродов Камолитдин Равшанович, 13.11.2023

